

ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Санаева Лола Шукурбоевна

дотцент. Жиззах Давлат педагогика Университети

Файзиёва Сожида Илхом қизи

магистр 2-курс

Жиззах Давлат педагогика Университети

E-mail: sanaeva_08@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Хозирги кунда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини самарали ташкил этиш долзарб бўлб, биология фанларини ўқитишда синфдан ташқари машғулотлар самарадорлигини ошириш худди шу масалалрга қаратилган бўлиши лозим. Экотуризм тўғрагини ташкил қилиш нафақа таълим муассаларида балки барча табиий худудларда экологик туризмни ривожлантиришга хисса қўшади.

Калит сўзлар. Давлат дастури, кадрларнинг янги авлоди, экотуризм, алохида қўриқланадиган табиий худудлар, фауна, флора, алохида тур, дарсдан ташқари машғулот, экскурсия, саёхат, коллекция.

THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF ORGANIZING EXTRACURRICULAR ACTIVITIES

ABSTRACT

National programme of preparing (professional) personnel, directs to great general professional culture, social and social, activeness, to take the target independently in socio-political life, forming the ability who can active their goals and put an aim in their futures. It's know that the government pays much attention and considers ecotourism is protecting the nature and provides with profession who are jobless in rural areas. So that it's very important to make extra classes on ecotourism in educational facilities.

The main issues should be consist on information flores and faunas on area and also ecotouristic buildings, ecotouristic routes, ecopathes in extra ecotouristic classes.

Key words. National programme, new generation of personnels, ecotourism, special protected area, fauna, flore, rare type, study group, extra classes, tent,

excursion, tour, meteorological observation, collections, behavior ecotouristic routes, ecopaths, ecotouristic buildings, equipment of ecopaths, ecological practice, ecological games.

Ўзбекистон Республикасида фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш лозимлигига муҳим эътибор қайд этилмоқда.

Халқ таълимида ўқитилиётган фанларнинг худди шундай интеграллашув жараёнларини дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар доирасида кенг миқёсда қамраб олиниши мумкин бўлади. Чунки дарсдан ташқари ишлар ўқитувчининг индивидуал ёки гуруҳли топшириқлари асосида дарсдан кейин курсни ўрганиш билан боғлиқ бўлган мажбурий тарзда амалий ишларни бажаришни ташкил этиш шакли бўлиб, унда ўсимликлар ва ҳайвонлар устида олиб бориладиган кўпгина узоқ ва яқин муддатли кузатишларни ўз ичига олади.

Дастурларда назарда тутилган машғулотларнинг барчасини дарс жадвалига киритиб бўлмайди ва шунинг учун таълим муассасаларида ушбу фан тўғрисида йўлга қўйиш самарали ҳисобланади. Таълим муассасалари фаолияти билан ишлаб чиқаришдаги узвийликни боғлаш ва уни давлат дастурларини ажариш даражасига кўтариш учун экотуризм тўғрисида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки дарсдан ташқари машғулотларни ўқитиш давомида ўқувчиларнинг табиий фанлардан олган билимларини бойитиш ҳамда фан асосларининг билим ва кўникмаларини мустахкамлаш билан бирга жойларда экотуризмни ривожлантиришга ҳам сезиларли таъсир этади.

Бугунги кунда экотуризмнинг жадаллик билан ривожланиши ҳудудларда чекка қишлоқ аҳолисини кўшимча иш билан таъминлаш, табиатни асраш ва миллатнинг этнографиясини ва ўзига ҳос урф одатлари ва анъаналарини жаҳонга танитувчи восита деб қаралмоқда. Уни кенг миқёсда тарғиб қилиш ва унинг инфраструктурасини шакллантиришда ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш билан бирга ўқув масканларида ушбу ёналишда ўқитиш системасини шакллантириш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Экотуризм тўғрисида ташкил қилишда назарий билимлар билан бирга амалий ишларга, экскурсияларга соатларни ажратиш муҳим ҳисобланади. экскурсиялар қуйидагиларни кўзда тутилган ҳолда ташкил қилинади.

1. Ўқувчиларда онгли интизом;
2. Ўртоқлик ва дўстлик;
3. Ташаббускорлик ва ҳаваскорлик хислатлари тарбияланади.

4. Экскурсиялар ўқитувчини ўқувчилар билан яқинлаштиради, унга ўз ўқувчиларини яхшироқ билиб олиш, (синф шароитида намоён бўлмаган ўқувчи хусусиятларини аниқлаш) имкониятини беради.

5. Ўқувчиларда тетик ва соғлом тушунчаларини вужудга келтиради бу эса ўрганилаётган ўқув материалнинг осон ва пухта ўзлаштириб олишини таъминлайди.

6. Экскурсияларда ўқувчилар эстетик ҳарактердаги тушуларни ҳис қиладилар.

7. Табиат гўзаллигини бевосита ҳис қилиш шу табиатга, Ватанга нисбатан муҳаббат туйғуларини уйғотади.

8. Экскурсия давомида келгуси дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш учун ҳар хил табиий материаллар: ўсимлик ва ҳайвонлар, уларнинг айрим қисмлари (уруғ, илдиз, барг, илдизмева, илдизпоя, тугунак, поя, моллюска чиғаноқлари, куш патлари, ҳайвон суяклари) йиғилади.

9. Ўқувчилар тирик ва табиий объектларни йиғиш ва расмийлаштириш (гербарийлаштириш, коллекциялаш препаратлаштириши) кўникмаларини ҳосил қилиб борадилар.

Экотуризм тўғарагининг дастуруни ва мавзуларини танлашда юқоридагилар билан бирга тўғарак ташкил этилаётган ҳудуднинг табиий иқлим шароити, кўриқланадиган ҳудудлари, табиий масканлари, ўсимликлар ва ҳайвонот олами, уларнинг ноёб турлари ҳамда экотуристик иншотлари, этнографияси ва тарихи ҳақидаги маълумотлари ҳисобга олиниши лозим. Буни биз куйидаги жадвалда тахминий кўрсатиб ўтмоқдамиз.

Жадвал. Экотуризм тўғарагининг мавзулари бўйича соатлат тақсимооти

	Мавзулар	Машғулотлар миқдори, соати		
		Жами	Назарий	амалий
1	Экотуризмнинг ривожланиш тарихи	2	2	
2	Экотуризмнинг аҳамияти	2	2	
3	Ҳудуднинг географик ҳолати ва экотуристик имкониятлари	2	2	
4	Экосаёхатлар ташкил этиш технолигияси	6	2	4
5	Экологик сўқмоқлар ташкил қилиш технолигияси	8	2	6
6	Экотуризмни ривожлантиришда махсус кўриқланадиган ҳудудларнинг аҳамияти	4	4	
7	Экологик амалиёт	10	4	6
8	Экологик ўйинлар	6	2	4
	Жами	40	20	20

Кўришиб турибдики ушбу мавзулар тақсимотида 40 соатлик дарсдан ташқари машғулотлар, ёки тўғарақда ташкил этиладиган машғулотлар мавзулари кўрсатилган бўлиб бунда экотуризмнинг ривожланиш тарихи мавзусида асосан ушбу соҳанинг вужудга келиши дунё миқёсидаги тарихи ва унинг Ўзбекистондаги ривожланиш тарихига эътибор қаратилади. Худуднинг географик ҳолати ва экотуристлик имкониятлари мавзусида ҳар бир вилоят ёки туманда мавжуд алоҳида кўриқланадиган худудлар, ўрмон хўжаликлари, табиий экологик маҳзиллар, улардаги ўсимликлар ва ҳайвонот олами ҳақида маълумотлар ўрганилади. Шунингдек худуднинг географик жойлашуви, иқлими, релефи, экотуристлик иншоотлари яъни ғорлар, шаршаралар, табиий булоқлар, кўп ёшга кирган дарахтлар, даралар, турли ғаройиб шаклдаги тошлар, кўллар, дарёлар ҳақида маълумотлар берилиб, уларнинг экотуризмни ривожлантиришдаги аҳамияти таҳлил этилади. Экотуризмнинг аҳамияти мавзусида эса ушбу йўналишнинг инсонлар ҳаёти фаровонлиги ва табиат муҳофазасидаги аҳамияти билан бирга экотуристлар ташрифи давомида табиатга етказиладиган зарари ва ундан ҳимояланиш омиллари таҳлил этилади. Экосаёҳатлар ташкил этиш технологияси мавзусида эса экологик саёҳатларни ташкил этишдаги қонун қоидалар, яъни сайёҳларнинг табиат қўйнида ўзини тутиши, қаторда юриш, дам олиш жойларини танлаш, гулхан ёқиш, кузатиш ва кундалик юриштиш, хариталар билан ишлаш ва х.к. ларга кўникмаларни назарий ва амалий машғулотларда шакллантириш кўзда тутилган.

Экотуризмни йўлга қўйишда асосий омиллардан бири экологик сўқмоқлар ташкил этиш ва экологик сўқмоқлар бўйлаб сайр этиш ҳисобланади. Шунинг учун туризм тўғарақларини ташкил этишда экологик сўқмоқлар ташкил қилиш технологиясини мавзусига алоҳида эътибор қаратилади. Экосўқмоқлар аҳамияти, экологик иншоотлар ва экосўқмоқларнинг жихозлари ҳақидаги маълумотларнинг экосўқмоқларнинг паспортида акс эттирилиши ва талаб даражасида расмийлаштирилиш тартиблари ўрганилади.

Экотуризмни йўлга қўйишда алоҳида кўриқланадиган худудларнинг ўрни, экологик амалиёт ва экологик ўйинлар мавзусида худуднинг алоҳида кўриқланадиган жойлари ҳақида батафсил маълумотлар берилиши баробарида уларга боғлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолга экологик амалиёт мавзулари ва ўйинлар ишлаб чиқилади. Бу тўғарақ иштирокчиларининг машғулотларга бўлган қизиқишларини орттириш билан бирга худуддаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақида кўпроқ билим ва кўникмаларга эга бўлишларига асос бўлиб хизмат қилади.

экотуризм тўғарагини ташкил қилишга тўғарақ раҳбаридан ижодийлик ва маҳаллий материаллардан фойдаланишда изчиллик талаб этилади. У тўғарақ

мавзуларини ёритишда кўриқхона ва ўрмон хўжаликлари ходимлари ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маъмурияти билан маслахатлашиши, ҳудуд ҳақидаги илмий маълумотлардан фойдаланишда уларнинг режа ва ҳисоботларидаги маълумотларга асосланиши лозим бўлади.

Тўғарак раҳбаридан таълаб этиладиган яна муҳим жихатлардан бири табиий масканларга тўғарак аъзолари билан ташкил қилинадиган экскурсияларга тайёрганлик ва экскурсия технологияларини эгаллаганлигидир. Экотуризм тўғарагини экотуристик маршрутлар ва экотуристик саёхатларсиз бирор натижага эришиб бўлмайди. Зеро тўғаракни ташкил қилишдан мақсад, айниқаса касб ҳунар коллажлари талабалари учун келажакда экотуристларни экомаршрутлар бўйлаб олиб юриш, табиат қўйнида тунаш, чодир ўрнатиш, гулхан ёқиш, хариталар билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришларида ўта муҳим ҳисобланади.

Тўғарак раҳбари тўғарак ташкил қилиш баробарида тўғарак аъзоларига ҳудуддаги мавжуд ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳақида альбомлар, буклетлар тайёрлаш ҳақида мустақил машғулотлар топширади ва бу ўз навбатида йиллар давомида тўпланиб катта маълумотлар базаси сифатида шаклланишига асос бўлади. Босқичма – бошқич бажарилувчи ушбу мавзули топшириқлар келажакда маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун турли тилларга таржима қилинган қўлланма ва гид таржимонлар учун қимматли материал бўлиб ҳузмат қилади.

Экотуризми тўғарагини ташкил қилишда тўғаракнинг моддий техник базасини шакллантириш ўта муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки тўғарак дастури доирасида амалга ошириладиган назарий ва амалий машғулотларда тўғарак аъзоларига махсус спорт кийими яъни яхши спорт пояфзали, ёмғир ўтказмайдиган иссиқ кийим, бош кийими, қуёшдан сақловчи кўз ойнак, шахсий буюмлар учун сафар халталари, овқат пишириш учун идишлар, медитцина аптекалари, шахсий гигиена воситалари билан бирга 2 ва 4 кишилик чодирлар, ухлаш халталари, дробин, фотоаппарат, видеокамера ав х.к. лар лозим бўлади. Ўқув муассаса маъмурияти тўғаракнинг ушбу воситалар билан таъминланишида хомийларни жалб этишлари ва бунинг иложи бўлмаганида ҳудуддаги кўриқхона, ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маъмуриятдан ижарага олиб туришлари мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда экотуризм тўғарагини ташкил этишда назарий ва амалий асослари жойларда табиий билимлардан кўникма ва маълумотларни шакллантириш баробарида туризмнинг ушбу соҳасини ривожланишига муҳим омилларда ҳисобланади. Шундй экан, биология ва бошқа табиий фанлар ўқитувчи мурббийлари ушбу тўғаракни ташкил қилишда биология, экология,

география каби фанлардаги маълумотларни жамлашлари ва таҳлил этган ҳолга тўғарак мавзуларига жорий этишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Л.Санаева, Б.Мирзаев. Экологический туризм, его состояние по Джизакской области и меры по его улучшению. Научная дискуссия: вопросы математики, физики, химии, биологии” Сборник статей по материалам XIII международной заочной научно-практической конференции. Москва. №1 (13), С. 93, январь 2014 года.
2. L.Sanaeva, B. Mirzaev, M. Abduraimova. Department of Jizzakh Province on ecotouristic region and the factors of usage. “Europäische Fachhochschule European Applied Sciences #3 – 2014” Stuttgart, Germany. № 3, page 10, March 2014.
3. L.Sanaeva, U.Usanov, O.Alimov. Jizzax viloyatini ekoturistik rayonlashtirishning ijtimoiy va iqtisodiy ahamiyat. «Инновация 2021: долзарб Муаммолар ва замонавий Ечим» республика илмий-амалий конференция. 8 октябрь 2021 йил
4. Л.Санаева. Янги педагогик технологияларни биология фанини ўқитишда қўллашнинг самарали усуллари. Мактабгача таълимда янги педагогик ва ахборот технологияларини тадбиқ этишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2010 й. 5-6 май. Қарши.
5. L.Sanaeva, B.Mirzaev, A.Shamiev Ekoturizm to'garagi va uning ta'lim samaradorligini oshirishdagi o'rni. “Botanika sohasidagi ilmiy-amaliy yutuqlar va dolzarb muammolar” ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Samarqand. 165-bet 2014- yil 11-aprel.